

# Охират даражалари дунёдаги амалларга қараб тақсимланади | Тазкия дарслари (312-дарс)



19:00 / 28.12.2024 2837

Одамлар бу дунёда турли даражаларда бўлганлари каби, охиратда ҳам турли даражада бўладилар. Охиратда улар тўрт қисмга бўлинадилар: ҳалок бўлувчилар, азобланувчилар, нажот топувчилар ва ютуққа эришувчилар.

Ушбу қисмларнинг ҳар биридагилар ҳам неъмат ва азобда ўз ҳолларига қараб турлича бўладилар. Бу ҳолат қуйидаги ҳадиси шарифда ўз ифодасини топган.

عَنْ عُمَرَ بْنِ الْخَطَّابِ قَالَ سَأَلْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَنْ أُمَّةٍ يَدْخُلُ الْجَنَّةَ مِنْ بَنِي إِسْرَائِيلَ فَقَالَ: «أُمَّةٌ يَدْخُلُ الْجَنَّةَ مِنْ بَنِي إِسْرَائِيلَ يَدْخُلُ الْجَنَّةَ مِنْ بَنِي إِسْرَائِيلَ يَدْخُلُ الْجَنَّةَ مِنْ بَنِي إِسْرَائِيلَ»



**Шунда улар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига борадилар. Бас, у зот турадилар ва у зотга (шафоат қилишга) изн берилади.**

**Омонат ва раҳм қўйиб юборилади. Иккиси келиб, сиротнинг икки - ўнг ва чап томонига туриб оладилар. Бас, сизларнинг биринчиларингиз худди чақмоқдек ўтиб кетади», дедилар.**

**«Ота-онам сизга фидо бўлсин. Худди чақмоқдек ўтиш қандай бўлади?» дедим.**

**«Чақмоқнинг кўз очиб юмгунча қандай ўтиб, қайтганини кўрмаганмисизлар?! Сўнг худди қушдек ва кишиларнинг югурганидек ўтилади. Уларни амаллари югуртиради. Набийингиз эса сиротда туриб, «Роббим! Саломат қил! Саломат қил!» дейди.**

**Бандаларнинг амаллари ожиз бўлиб қолганда, баъзи кишилар юришга қодир бўлмай, судралиб ўтадилар.**

**Сиротнинг икки тарафида омбирлар осилган бўлади. Улар амр қилинган шахсни тутишга шай турадилар. Бас, тирналиб қутулганлар ҳам, тутилиб ташланганлар ҳам бўлади».**

**Абу Ҳурайранинг жони қўлида бўлган Зот ила қасамки, жаҳаннамнинг қаъри етмиш куздир».**

*Муслим ривоят қилган.*

Охиратдаги азобнинг энг ози ҳисобда муноқаша қилиш бўлса, кўпининг чегараси йўқ. Саодат аҳлининг даражалари ҳам шу каби турлича бўлади.

Агар охиратда бандаларнинг даражалари ҳақида гап юритиш керак бўлса, қуйидагиларни айтиш мумкин.

1. Гуноҳи кабийра қилиб, Ислом арконларини поймол қилганларнинг ҳоли.

Бу хилдаги одамлардан қайси бири ажали келишидан олдин тавбаи насух қилган ва тавбаси қабул бўлган бўлса, гуноҳи кабийра қилмаганларга қўшилади. Чунки гуноҳдан тавба қилганлар гуноҳи йўқлар кабидир. Бунинг ювилган кийим кир бўлмаган кийимга ўхшаб қолганига қиёслаш мумкин.

Аммо тавба қилмай ўлиб кетганларнинг ҳоли ўта хатарлидир. Улар иймони мустаҳкам бўлмагани учун гуноҳни қасддан қилган бўлиши мумкин. У

ҳолда оқибатлари ёмон бўлади. Хусусан, иймони тақлид асосида бўлганлар янада хавфлидир.

Тавба қилмай ўлиб кетган мазкур бандаларнинг азоби улар қилган гуноҳи кабийраларнинг қабоҳати, ҳажми ҳамда муддатига қараб бўлади.

2. Ким иймоннинг аслини тўлиқ жойига қўйган, барча кабийра гуноҳлардан четда бўлган, жамики фарзларни гўзал тарзда адо этган, фақат баъзи сағийра гуноҳларни давомли бўлмаган ҳолда қилган бўлса, унинг афв қилиниши аниқроқ. Бундай афв Қуръони Каримда ваъда қилинган.

Бундай кишилар муқаррабларга ёки ўнг тараф соҳибларига қўшиладилар. Бу унинг иймони ва яқийнига қараб бўлади. Агар иймони заиф ва яқийни оз бўлса, даражаси паст, кучли ва кўп бўлса, даражаси юқори бўлади.

Муқаррабларнинг даражалари ҳам Аллоҳ таолога бўлган маърифатларининг тафовутига қараб турлича бўлади.

Ўнг тараф соҳибларининг энг олий даражаси муқаррабларнинг энг паст даражасига тенг бўлади.

Буларнинг ҳаммаси гуноҳи кабийралардан четда бўлиб, фарзларни адо этиб юрганларнинг ҳолидир.

3. Нажот топувчилар.

Бу ерда «нажот топувчилар» деганда саломат қоладиган, лекин саодат ҳамда ютуққа эришмайдиганлар англанади. Улар саодатга яраша хизмат қилмаган ва шу билан бирга, азобга лойиқ нуқсонга йўл қўймаган қавмлардир. Улар жумласига мажнунлар, кофирларнинг балоғатга етмаган болалари, даъват етмаган кишилар киради. Уларда маърифат ҳосил бўлмаган, инкор ҳам, тоат ҳам, маъсият ҳам қилмаганлар. Улар Аърофда бўладилар.

«Аъроф» калимаси «баландлик», «юқори жой» маъноларини англатади. Араблар хўрознинг тожини ҳам «араф» дейдилар. Жаннат билан дўзах орасидаги баландлик жой – девор Аъроф дейилади.

4. Ютуққа эришувчилар.

Бу тоифага орифлар, муқарраблар ва содиқлар кирадилар. Улар учун жаннатда кўз кўриб, қулоқ эшитмаган даражалар, мақомлар ва неъматлар тайёрлаб қўйилгандир. Уларнинг ҳирси жаннат учун эмас. Улар Аллоҳ

таолонинг жамолига назар солиш иштиёқидалар.

**«Руҳий тарбия» китобининг 2-жузи асосида тайёрланди**

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2021 йил 14 апрелдаги 03-07/2439-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.